

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 107 (11.418)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

«Хар бир фарзандга меҳр-эътибор!» ҳафталиги доирасида «Тошкент-Ленд» истироҳат боғида байрам тадбири бўлиб ўтди.

«Sen Yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга пойтахтимиз, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилди.

Анъанавий «Хар бир фарзандга меҳр-эътибор!» ҳафталиги бу йил ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кутаринки руҳда ўтмоқда.

Ҳафталик доирасида «Sen Yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, марафонлар, ижодий анжуманлар, концертлар, учрашувлар, саёҳатлар, экскурсияларни ташкил этмоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида бундай тадбирларга юртимизнинг чекка ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаблар, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилалар ўғил-қизларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйида тўқсон тўрт нафар бола тарбияланади. «Тошкент-Ленд» боғида ўтказилаётган байрам тадбири ушбу Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида ҳам катта таассурот қолдири. Меҳрибонлик уйида фаолият кўрсатаётган педагоглар, мураббийлар, ижтимоий соҳа мутахассислари томонидан ҳар бир фарзандга алоҳида меҳр ва эътибор билан ёндошилади. Мазкур тарбия ва таълим масканида ўғил-қизларнинг баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун барча шароитлар яратилган.

Назокат УСМОНОВА, Ўза мухбири

Ҳаётимиз мазмунисан, чирогисан болажон, Кўзимизнинг қарогисан ҳам нурисан болажон. Сен ўзингсан дилбандимиз, қувончимиз, бахтимиз. Хур ўлканинг келажиги, истиқболи болажон.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги 13 та — 1 та шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази, 1 та Учтепа Ёшлар ижодиёт маркази, 1 та Шайхонтоҳур тумани болалар ижодиёт уйи ва 10 та туман ўқувчилар ижодиёт марказларидаги 2415 та тўғаракларга 26557 нафар ўқувчилар жалб этилган.

Ушбу мактабдан ташқари таълим муассасалари болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, иқтидорларини аниқлаш ва намоеён этиш каби вазифаларни амалга оширади. Ўқувчилар ижодиёт марказларидаги мавжуд тасвирий ва амалий санъат, бадий-эстетик тарбия, техник ижодкорлик, экология, адабиёт ва бошқа турли йўналишлардаги тўғарак ва студияларда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 25 минг нафардан ортиқ болалар қатнашиб, ўз иқтидорларини намоеён этиб келмоқдалар.

Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази томонидан пойтахт Халқ таълими бош бошқармасининг 2009 йил 2 февралдаги «Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 38-буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари ҳамда маҳалла болалари учун ҳар ойда икки марта «Очиқ эшиклар куни» тадбири, «Камалак» халқ амалий ва тасвирий санъати фестивали, бадий нафосат йўналиши бўйича «Тошкент ниҳоллари» фестивали, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан «Тошкентим онам» акцияси ўтказиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказида 2009 йилнинг февраль ойидан буён кўшимча халқ амалий ва тасвирий санъат йўналиши бўйича 3 та «Ёғоч ўймакорлиги», «Наққошлик», «Санъат алифбоси» тўғараклари ташкил этилди ва 125 нафар ўқувчилар жалб этилди.

Утган давр мобайнида шаҳар ва туман ўқувчилар ижодиёти тўғарак аъзолари томонидан бир қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказининг «Зарб» доирачилар дастаси, «Севинч» вокал дастасига «Намунали бадий жамоа», «Ёш расмом» тасвирий санъат студиясига «Халқ ҳаваскорлик студияси» унвони берилди.

«Халқ чолғу асбоблари» Республика кўрик-танловида шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази дуторчилар дастаси Гран-при олий мукофотини қўлга киритди.

«Янги авлод» болалар ижодиётнинг V фестивалида «Ёш расмом» тасвирий санъат тўғариги аъзоси Карина Сулаймонова, «Наққошлик» тўғариги аъзоси Ҳожиаббос Шомансу-

БУГУН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



ФАРЗАНДИМИЗ — ДИЛБАНДИМИЗ

Мустақил диёримизда болажонларимизнинг ҳар томонлама камол топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар ёшлик пайтлариданоқ ҳар хил спорт турлари билан шуғулланиб, жисмоний жиҳатдан тобланишлари, турли тўғаракларда ҳунар ўрганишлари мумкин. Жумладан, йил бўйи, айниқса ёзги таътил пайтида болажонларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, ўзлари қизиққан ҳунарлар сирларини ўрганишлари, билим ва кўникмаларини оширишлари учун давлатимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

ров, якка доира ижрочилиги бўйича Фозил Фарҳодов иштирок этиб фестивал лауреати мақомини олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг Кўргазмалар залида ўтказилган «Камалак-2009. Миллий анъаналар ва замонавийлик» болалар ижодиётнинг анъанавий IV кўргазмаси фестивалида Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёти марказлари тўғарак аъзолари томонидан 16 йўналишдаги 2500 дан зиёд ишлар намойиш этилди. Фестивал якунларига кўра 51 нафар ғолиблар Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва Ўзбекистон Бадий академияси томонидан I, II, III даражали диплом ҳамда олтин, кумуш ва бронза медаллар билан тақдирландилар.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, яқинда «Куч — билим ва тафаккурда» шиори остида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида катта муваффақият билан шахримиз ўсмир-ёшларнинг ижод кўргазмалари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирни туманларда ҳам ўтказиш режалаштирилган. Бундан қўзланган мақсад эса хайрли: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», дея Юртбошимиз таъкидлаганларидек, болажонларимиз билимли, малакали, турли-туман соҳалар ва ҳунарларга меҳр қўйган ҳолда ўсиб, келажакда улардан баркамол инсонлар етишиб чиқсин. Эътиборли томони шундаки, туманлардаги болалар ўқувчилар ижодиёт марказларидаги тўғараклар бепул фаолият кўрсатади.

Шаҳримиздаги мавжуд барча ўқувчилар ижодиёт марказлари тўғарак ва студияларнинг тўғаракни газетанинг 4-бетига эълон қилмоқдасиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ

«Таътил — 2009» ТАЛАБАЛАР ЕТАКЧИ

Мамлакатимизда болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, ўғил-қизларнинг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиш учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилган лойиҳа, кўргазма ва танловлар ниҳоясига етмоқда.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан шаҳарча ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Оромгоҳ — 2009» лойиҳаси ташкил этилди. Мазкур лойиҳа доирасида талаба-ёшларни ёзги болалар ором-

гоҳларига етакчи сифатида жалб қилишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Талабаларни оромгоҳларга етакчи сифатида жалб этишдан асосий мақсад — бўлғуси педагогларга болалар билан ишлашнинг замонавий усулларини ўргатиш ҳамда педагогик кўникмаларни шакллантириш, аynи пайтда кичиктойлар таътилини янада мароқли ва қизиқарли ўтказишдир. Ушбу лойиҳа бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари ҳудудида жойлашган 34 ёзги оромгоҳга бир гуруҳ ёшларни етакчи сифатида юбориш кўзда тутилган.

Гўзал САТТОВОВА

ҚИСҚА САТРЛАРДА

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 273-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида Республика Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман бўлим-

лари, Юнусобод туман Маънавият ва маърифат Кенгаши, туман прокуратураси, туман ИИБ ҳамкорликларида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Ёшлар — келажигимиз пойдевори» деб номланди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги харбий қисмда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Тенгдош» маданият уйи бадий ҳаваскорлик жамоалари, ўқув курслари, тўғараклари, спорт секциялари катнашчиларининг хайрия-ҳисобот концерти ўтказилди.

✓ **«Ёшлик»** талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида «Диний экстремистик гуруҳларнинг мақсадлари, гоъялари ва ҳаракатларининг оқибатлари» мавзусида ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

XXI сadosи

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бразилия Федератив Республикасига расмий ташрифи самарали ўтди. Ташриф асносида эришилган келишувлар, жумладан, мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, техникавий, маданий, қишлоқ ҳўжалиги, сайёҳлик ва спорт каби соҳалардаги ҳамкорлик борасида имзоланган ўндан ортиқ ҳўжат Ўзбекистон—Бразилия ўртасидаги муносабатларни янги, янада юқори поғонага олиб чиқишга хизмат қилади.

• Кеча Гулистон шаҳрида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари —2009» спорт мусобақаларининг республика босқичи якунланди.

• Тошкентдаги Миллий матбуот марказида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ташкил этилган брифингга Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси кўргазмаси хусусида сўз юритилди.

• «Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан меҳнат жамоалари, маҳаллаларда «Биз ёшлар, одам савдосига қаршимиз!» шиори остида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

• Алишер Навоий номидаги Наманган муסיқали драма ва комедия театрида «Ниҳол» мукофотида номзодлар танловининг Наманган вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида сараланган 41 нафар ёш иқтидор соҳиб санъатнинг эстрада, муסיқа, мумтоз кўшиқчилик, рақс, опера йўналишлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

• Жиззах политехника институти жамоаси инновацион гоъя, лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида самарали иш олиб бормоқда. 2008 йил давомида жамоа томонидан қиймати 150 миллион сўмга тенг илмий лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди.

• Нукусда «Келажак овози—2009» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда гоълиб бўлган 600 га яқин ёшлар қатнашди.

• Галаосиё қурилиш ва транспорт касбхона коллежида ўтказилган меҳнат ярмаркасида Бухоро туманидаги 40 га яқин корхона ва ташкилот ўзининг жами 150 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир давомида 115 нафар ёшларга ишга кириш учун йўлланмалар берилди.

• Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқларида Машрабхонлик кунлари ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Ўзини мустақил деб эълон қилган Жанубий Осетияда илк бор парламент сайловлари ўтказилди. Унда сайловчиларнинг 80 фоизга яқини иштирок этди. Дастлабки маълумотларга кўра парламент сайловларида «Единство» партияси етакчилик қилмоқда. Жанубий Осетиянинг янги қақирқдаги парламентида жами 44 нафар депутат фаолият кўрсатади.

• НАТО Эронга Афғонистон ҳудудида юкларни етказиш учун ҳаво йўлига очиб беришни сўраб расмий тақлиф билан мурожаат этди.

• Венесуэла ва Исроилда А/Н1 N1 вируси билан хасталанган дастлабки кишилар қайд этилди.

• Кисловодск шаҳри мэри учун ўтказилган навбатдан ташқари сайловларда Н.Луценко катта фарқ билан ғалаба қозонди.

• Германиянинг Берлин шаҳрида жаҳон халқларининг ўзига ҳос урф-одатларини акс эттирувчи «Маданиятлар карнавали» тадбири ўтказилмоқда.

• Ирокда коррупцияда гумон билан мингга яқин давлат хизматчилари ҳибсга олинди.

• Бутунжаҳон банки энергияни тежаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун Белоруссияга 125 миллион доллар миқдоридagi маблағнинг ажратилишини маъқуллади.


• Кейинги олти йил ичида жаҳоннинг 99 та мамлакатини кезиб 100 минг километрдан ортиқ масофани босиб ўтган италиялик 73 ёшли велосайёҳ Януш Ривер ўзининг навбатдаги сафарини Россия жанубидан — Ростов-Дон шаҳридан бошлашга қарор қилди. У Россиянинг жанубий қисмининг 120 кун ичида кезиб чиқиб, сўнгра Австралияга ўтмоқчи.

• Исландия парламенти мамлакатнинг Европа Иттифоқига кириши тўғрисидаги масалани кўриб чиқмоқда. Бирок бу ҳақдаги якуний ҳулоса умумхалқ референдумидан сўнг чиқарилади.

• Москвада болалар «Евровидение»сининг саралаш танлови бўлиб ўтмоқда.

• Италияда ўтказилган «Жиро д' Италия-2009» нуфузли велоспортга икки нафар италиялик спортчини доғда қолдирган Денис Меньшов (Россия) ғалаба қозонди.

• Англияда 97 ёшида афсонавий «Титаник» кемаси ҳалокатининг гувоҳи бўлган сўнги инсон Милвина Дин ҳаётдан кўз юмди.



Хар тонгда шахри азимнинг энг гўзал гўшаларидан бири ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур номи билан аталадиган хиёбон аро хизматга ошиқаман. Хиёбондаги озодалик, турфа гулларнинг ифори кўнглимга ҳузур бағишлайди.

ТОШКЕНТ КЕЧА, БУГУН...

Мустақил юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан шу юртининг бир фўқароси ҳақли равишда фахрланиб, қалбида ғурур-ифтихор туйғусини ҳис қилади. Бир-бири билан бўй талашаётган осмонўпар бинолар, мафтуркор фавворалар, спорт иншоотлари, истирожат боғлари, кўприклар, хуллас барча янгилаш ва қурилишлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида амалга ошириляпти. Улкан ташаббус ва ижодкорлик билан бажарилаётган ишлар Шарқнинг маънавият ва маърифат бешикларидан бири бўлган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги кунларда янада жонланаётир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан жойларда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларга ҳам эътибор қаратиляпти. Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Учтепа туманидаги солиқ коллежидан ўтказилган «Тошкент — кеча, бугун, эртага» мавзудаги ижтимоий-сиёсий тадбир ҳам шулар жумласидандир.

Тадбирда дастлаб Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти ўқитувчилари, филология фанлари номзоди, доцент А.Отаҳужаев, тарих фанлари доктори Г. Агзамова Тошкент шаҳрининг салкам уч минг йилга бориб тақаладиган қадимги тарихи,


ўтмиш саҳифаларига муҳрланган жангу жадаллар, бошидан бир неча бор ўтказган юксалиш ва инқироз даврали ҳақида тўхталиб ўтилди.

— Тошкент Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги, иқлими мўътадил бўлганлиги сабабли жуда кўпларнинг нигоҳига тушган. Шунинг учун ташки интилишлар шу ҳудудга қаратилган. Шаҳар ўз тарихи давомида кўпгина жангу жадални бошидан ўтказган. Бу даврда мудофаа девори билан ўралган қалъадан ҳақондаги йирик шаҳарлардан бири, Ўзбекистон Республикаси пойтахтигача бўлган йўлни босиб ўтган, — дейди ўз маърузасида тарих фанлари доктори Гулчҳра Агзамова.

Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шoir Ч. Рўзи шаҳарда яшаб ижод қилган, халқ маънавиятини юксалтиришда беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларнинг айримлари ҳаёти ва ижоди тўғрисида ибратли воқeаларни сўзлади ҳамда ўз ижодига мансуб Ватанини мадҳ этуви шеърларидан ўқиб берди.

Жаҳон цивилизациясида муҳим ўрин тутган, «Шарқ дарвозаси» дея улуғланаётган Тошкент шаҳри халқимизнинг қудрати-салоҳиятини бутун дунёга намойиш қиляпти. Шундай юрда яшаётганимиздан фахрланиш, унинг янада ривожини учун ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА, Республика Маънавият тарғибот марказининг етакчи мутахассиси



ОИЛАВИЙ МУСОБАҚАЛАР

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолини спортга жалб этиш мақсадида оилавий спорт мусобақалари ўтказиш анъананага айланган.

Зеро, спорт — соғлиқ гарови, спорт билан шугулланган инсон ҳам жисмонан, ҳам ақдан етук бўлиши шубҳасиз. Соғлом оила — соғлом жамият демакдир.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Қамолот» ЕИХ, «Маҳалла-жамғармасининг шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида Халқаро оила кунига бағишлаб «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мавзуда оилавий спорт мусобақаларининг яқиний шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизнинг барча туманларида голиб деб топилган спортчи оилалар иштирок этишди.

Спорт мусобақалари кун давомида жуда қизиқарли ва муросасиз ўтди. Яқиний босқичда иштирок этган спортчи оилалар жамоаларининг мусобақага муносиб ҳозирлик кўрганликларини, ўз

оилалари шарафини ҳимоя қилиш учун берилган шартларга астойдил жабув беришга интиляётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Мазкур мусобақалар тўртта шарт бўйича ўтказилиб, яқиний натижаларга кўра Ҳамза туманидан Кўшоқовлар оиласи биринчи ўринга муносиб топилди. Иккинчи ўрин Мирзо Улуғбек туманидан Охунжоновлар оиласига, учинчи ўрин эса Сергели туманидан Тошматовлар оиласига насиб этди. Голиб жамоалар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ушбу спорт мусобақасини ўтказишдан асосий мақсад, оилалар аъзоларининг спорт билан доимий равишда шугулланишлари учун керакли имкониятларни яратиш, уларнинг соғлом авлод тарбиясидаги хизматларини турли спорт мусобақалари орқали муносиб рағбатлантиришдан иборатдир.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

Иқтисодиёт

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

Тадбиркорларимиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда сифатли маҳсулот тайёрлашмоқдаки, бундай товарлар импорт ўрнини босиши баробарида, нархи бир мунча арзонлиги, харидор эҳтиёжини қондириши билан ҳам ажралиб туради.

Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган «Uztermash» масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналар сирасига кириб унинг Россия технологияли линиялари билан жиҳозланган цехларида маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда электр двигателлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамизда асосан нефть, кимё, тоғ-металлургия, энергетика, қурилиш ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган дастгоҳлар учун электр двигателлари тайёрлашни йўлга қўйганмиз, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Саломов. — Ҳозирда маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритиб импорт ўрнини боса оладиган электр двигателлари тайёрлаш ва уларни буюртмачиларга етказиб беришга ҳаракат қиляёмиз. Жорий йилдан четдан келтириладиган бутловчи қисмларни ҳам ўзимизда тайёрлаш учун бор имкониятларимизни ишга соляёмиз. Бу, албатта ички бозорда муносиб ўрин эгаллашмизда, тайёрлаётган товарларимиз таннархи арзонлашувида муҳим аҳамият касб этади. Асосий мақсадимиз ўзимизнинг рақобатбардўш товарларимиз билан нафақат ички бозорда муносиб ўрин эгаллаш, шунинг баробарида ташқи бозорга ҳам чиқишдир.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик билан изланаётган жамоа аҳлининг келгусидаги режалари талайгина. Ана шулардан бири чет эллик харидорларни ҳам жалб этган ҳолда маҳсулот экспортини йўлга қўйишдир. Бунинг учун эса, албатта ташқи бозор ўрганилиб, замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда маҳсулотларнинг янада харидорлар турлари яратилди. Жорий йилда тадбиркорлар 2 миллиард сўмлик маҳсулотни буюртмачиларга етказиб бериш учун шартномалар тузганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

РАНГ-БАРАНГЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

«Ташаббус-2009» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида фаол иштирок этиб, «Янги технологиялар яратиш бўйича» номинацияси голиблигини қўлга киритган «STEKLO PLYUS» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари маҳсулот турлари ва дизайнини ишлаб чиқаришга жорий этишда илғор технологияларни қўлламоқда.

Бугунги кунда кичик корхона цехларида 6 нафар малакали мутахассис меҳнат қилиб, уларга «Хунарманд» уюшмаси аъзоси Иброҳим Мирсаидов раҳбарлик қилмоқда.

— Жамоамизнинг олдига қўйган мақсади бозор иқтисодиёти талаблари даражасига жавоб берадиган маҳсулот тайёрлашдир, — дейди корхона раҳбари Иброҳим Мирсаидов. — Шу боис ҳам ҳечқимизга Хитойдан автоматлашган технологик линия келтириб ўрнатганимиз. Асосан маҳаллий, яъни Қувасой ойнаси ҳамда Хитой хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асосида бадий безакли ойна маҳсулоти тайёрлаймиз. Шу ўринда таъкидлашим лозимки, малакали дизайнерларимизнинг ижодий излаишлари ойналардаги ранг-баранг безакларда яққол аксини топмоқда.

Корхонанинг фаолият бошлаганига хали кўп бўлмасда, буюртмачилари сафи ортди бормоқда. Айниқса, мебелсозлик корхоналари, қурилиш ташкилотлари мазкур безакли ойна маҳсулотиغا харидор бўлишмоқда.

Тадбиркорлар йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтирган ҳолда, янги технологияларни жорий этиб, ишчи-хизматчилар сонини 20 нафарга етказишни ният қилишган. Энг муҳими, тайёрланаётган ойналар сифатининг доимий назоратдалигидир.

Нозима АКРОМОВА

МИЛЛИЙ ҚЎҒИРЧОҚЛАР

Қўғирчоқ ва ўйинчоқни севмайдиган, унга талпинмайдиган, завқланиб шодланмайдиган кичкинтой топилмаса керак. Ана шу шодликдан ҳар қандай ота-она кўнонади ва шу боис фарзандларига турли ўйинчоқлар сотади қилади.

Миллий қўғирчоқлар устаси, иқтидорли хунарманд Сайёра Жўраева ўзининг 10 нафардан зиёд шоғирдлари билан биргаликда юртимиз болажонларини шод этиш, шунинг баробарида уларни гўдаклигиданок миллий қадриятларимизни эъозлаш, шарқона урф-одатларимизни англаш руҳида тарбиялашга ҳисса қўшишга интилоқда.

У ўз қўғирчоқларида турли эртак қаҳрамонлари қиёфасини яратди, қадимий ва унут бўлиб бораётган миллий либослар билан уларни безантиради.

Қўғирчоқ устаси мамлакатимизда ўтказилаётган кўргазма ва танловларда фаол иштирок этиб, ўзининг санъат даражасидаги ишларини намойиш этади. Эътиборлиси эса Сайёра яратган ранг-баранг миллий қўғирчоқларга Саудия Арабистони, Хитой, Италия, Германия, Туркия сингари давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда, юртимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар уларни севиб харид қилишмоқда.

Ҳозирда Сайёра Жўраева тарбиялаб, хунар ўргатган шоғирдларидан 6 нафари мустақил фаолият юритиб, устозлари ишончини оқламоқда. Устоз эса шоғирдлари сифини қўлайтириб, уларни иш билан таъминлашга ҳам ҳаракат қилмоқда.

Манзура ХОЖИАҚБАРОВА

Хусусан, республикамизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариоитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини бу жараёнда, ҳеч шубҳасиз, дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг мамлакатимизга таъсирини аниқ факт ва далиллар билан тушунтириб берсак.

2007 йилнинг август ойида АҚШ ипотека кредитлари бозоридаги тангликдан рағбат олиб, молиявий ва реал секторни тора қамраб олаётган ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари борасида иқтисодчи олимлар, экспертлар, сиёсат арбобларининг қарашларида турли-туманлик кўзга ташланади. Айримлар мазкур инқирозда АҚШ ҳукумати фаолиятини айблаш билан чекланса, қолганлар инқироз сабабларини олтин стандартидан воз кечиш, Алан Гринспэннинг номувофиқ пул-кредит сиёсати ва бозор иқтисодиёти тизимининг камчилиги кабилардан кидирмоқда.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўйидаги фикрларини келтиришни ўринли, деб топдик: «Ҳеч кимга сир эмаски, бугун кенг қўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг сабабларидан бири — бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади».

Дарҳақиқат, глобал инқироз шариоитида банк тизими ликвидлигини таъминлаш муаммолари кескин тус олди. Фирмимизнинг исботи тариқасида, биргина Россияда рублдаги банклараро кредитлар ставкаси 2009 йилнинг 23 январига келиб тарихий рекорд даражага — 23,33 фоизга етганлигини келтириш мумкин.

Шу билан бирга, ҳозирги жаҳон молиявий инқирозининг замирида фундаментал омиллар ётганлигини қайд этиш лозим. Фирмимизча, бунда бош макро-иқтисодий сабаб АҚШ иқтисодиётидаги ортиқча ликвидлик муаммоси бўлиб, уни келтириб чиқарувчи асосий омиллар сифатида 1997 — 1998 йиллардаги молиявий инқироздан сўнг ривожланаётган давлатларга нисбатан умумий ишончинг пайсаяиши; қатор мамлакатлар томонидан валюта захиралари ва нефть жамғармаларининг АҚШ

қимматли қоғозларига инвестиция қилиниши, шунингдек, жаҳон иқтисодиётида сезиларли даражада юқори дисбаланс, номувофиқликнинг мавжудлиги, хусусан, Хитой савдо балансида йирик миқдордаги профицит, АҚШда эса аксинча — катта миқдордаги дефицит сақланиб қолаётганлиги; 2001 — 2003 йилларда иқтисодиётдаги циклик пасайишнинг олдини олишга қаратилган АҚШ ФЭТ(Федерал захира тизими)нинг соғлиқ раиси Алан Гринспэннинг керагидан ортиқ экспансион пул-кредит сиёсати кабиларни эътироф этиш мумкин.

Ортиқча ликвидлик таъси-

инқирознинг юзага келишига АҚШ ҳукуматининг ипотека кредитлари бозорига ортиқча аралашуви ҳам сабаб бўлди. Бунинг натижасида «иккинчи навли» ипотека кредитлари ҳажми кескин ошди.

Молиявий инқирознинг тарқалиши глобал иқтисодий ўсиш суръатларига нисбатан салбий таъсирини юзага келтирди. Нафақат молиявий сектор, балки иқтисодиётнинг реал секториди ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилди. Биргина АҚШда 2008 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида иш ўринлари 760 минггага қисқартирилган. 2008 йилнинг сентябрь ойидан буён

навбатида, Россияда бюджет харажатларининг қисқаришига олиб келди. Биргина 2007 йилда федерал бюджет харажатлари 24,9 фоизга ошди, бу эса Россия ЯИМ ўсиши суръатидан 3 марта кўп демакдир.

Банк тизимидagi ликвидлик муаммоларини бартараф этиш мақсадида дунёнинг ривожланган саноат мамлакатлари марказий банклари қайта молиялаш ставкаларини пасайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Фирмимизча, банклар ва реал сектор корхоналарида банкотлик ҳолатларининг кузатилиши пировард натижада аҳолининг реал даромадларининг камайи-

шта «Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 13 ноябрда «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаолигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 16 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаолигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари қабул қилинди. Қўрилган чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ республикамизда банкларнинг ялпи капитали 2008 йилда 40 фоизга ортди.

Республикамизда ипотекали кредитлар бозорида барқарорлик сақланиб қолди. Зеро, ипотека кредитларининг гаров таъминоти етарлигига банклар томонидан катта эътибор қаратилди.

Пухта ўйланган пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши натижасида инфляциянинг прогноз кўрсаткичлари чегарасида сақлаб қолинаётир. Оқилона бюджет-солиқ сиёсатининг олиб борилаганиги натижасида Давлат бюджети профицит билан бажарилоқда, солиқ юқининг пасайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. 2008 йилда Давлат бюджетти профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоизни ташкил қилди. Мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар миқдори барқарор ўсиш суръатига эга бўлаётир.

Жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий муносиблиги ва барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига қумаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу эса ҳукуматимизнинг жаҳондаги глобаллашув шариоитида инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратаётганлигидан далолат беради.

Нодир ЖУМАЕВ, Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети проректори, иқтисод фанлари доктори

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ: САБАБЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТ

Шу кунларда бутун дунё сезиларли даражада шавотир билан яшамоқда: молиявий инқироз алангаси ҳамма секторларга дахл қилаётир. Барча давлатлар каби мамлакатимизда ҳам бугун Инқирозга қарши давлат имунитетини ҳосил қилиш, унинг хавф-хатарини юмшатиш ва қутилаётган зарарнинг имкон қадар камайишига эришиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

рида кўчмас мулк, акция ва хом ашё товарлари бозорида турли хил активларнинг сохта, юқори баҳоланиши юз берди ва бу, ўз навбатида, жаҳон молиявий инқирози механизмининг таркибий қисмига айланди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, узоқ муддатли даврий оралиқда кредит экспансиянинг амалга оширилиши молиявий инқирознинг юзага келишига замин ҳозирлайди. Демак, 2007 — 2008 йилларда амалга оширилган пул-кредит сиёсатидаги камчиликлар боис инқироз ривожланиши хавфининг ортанглигини ҳам назардан қочирмаслик керак.

Бироқ кўпчилик иқтисодчи олимлар ва экспертлар ҳозирги жаҳон молиявий инқирозининг ибтидоси ҳисобланган АҚШ ипотека кредити бозоридаги танглик ҳолатини асосий сабаб сифатида эътироф этишмоқда. Бундан ташқари, халқаро амалиётнинг кўрсатишича, ташқи қарзнинг мўътадил даражадан ортиши ҳам тўлов балансини кучайтиришга сабаб бўлади. АҚШ ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан кўрсаткичида ўсиш тенденцияси кузатилган, яъни 2008 йилда 2005 йилга нисбатан 10 фоизга ошган.

Шунингдек, глобал молиявий

эса молиявий секторда, 111000 киши, автомобиль саноатида 95000 киши, транспорт соҳасида 62000 киши, чакана савдода 51000 киши ва телекоммуникация соҳасида 28000 киши ишсизлар сафидан ўрин олган. Бутун йил давомида эса 2,6 миллион иш ўрни йўқотилган ва ишсизлик даражаси 7,2 фоизга етган. Бу эса 1992 йилдан буён кузатилган энг юқори кўрсаткичдир.

2008 йил мобайнида АҚШда 25 та тижорат банкининг банкротга учраб ёпилиши кузатилган. Биргина 2009 йилнинг январь ойида эса яна 3 та банк таназулга юз тутган молия институтлари сафига қўшилди. Рублнинг қадрини ушлаб туриш мақсадида Россия Марказий банки томонидан амалга оширилган интервенция натижасида халқаро валюта захиралари 200 млрд. АҚШ долларига атрофида қамалган. Ажабланарлиси, биргина 2009 йилнинг 9-16 январь кунлари валюта захираларининг 30 млрд. АҚШ долларига қисқариши юз берган. Россия бюджетини тузишда нефтини 69-70 АҚШ долларидан сотиш кўзда тутилган эди. Ваҳоланки, инқироз шариоитида нефть баҳосининг 35 долларгача пасайиши кузатилди. Бу ҳолат, ўз

БУГУН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

БОР МЕҲРИМИЗ — БОЛАЖОНЛАРГА

Болалар ҳаётимиз мазмуни, оиламиз қувончи, кўзимизнинг нуридир. Жажжи фарзандларимизнинг чеҳраларидаги қувноқ ва беғубор кулгу тинч ва фаровон турмушимиздан даракдир. Бахтиёр элнинг бахтли фарзандларидир улар.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Марказий кўзи оғизлар кутубхонаси томонидан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Ўзбекистон Кўзи оғизлар жамиятининг «Санъат гулшани» маданият саройида «Бор меҳримиз — болаларга» деб номланган хайрия тadbир бўлиб ўтди. Мазкур тadbир шаҳримиздаги кўзи оғиз болалар мактаб-интернатида таълим олаётган бошланғич синф ўқувчилари учун ташкил қилинди. Tadbирнинг очилишида Ўзбекистон Кўзи оғизлар жамияти марказий кенгаши мутасадди вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Учтепа тумани кенгаши фаоллари, Республика Кўзи оғизлар жамияти кутубхонаси раҳбари сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан кўриш қобилияти чекланган ёш авлоднинг ўзгалар қатори ўлкайишлари учун кўрсатилаётган шароитлар ҳамда уларнинг билим олишлари

учун замонавий ахборот тизимидан фойдаланиш борасидаги яратилаётган имкониятлар ҳақида гапириб ўтдилар. Шаҳар кўзи оғиз болалар мактаб-интернати бошланғич синф ўқувчиларининг байрам дастурлари тadbирга ўзгача файз киритди. Болажонлар мустақил Ўзбекистонимиз, дўстлик, беғубор болалик, она табиат, ота-она ва устозлар ҳақидаги шеър ва қўшиқларни ижро этиб йиғилганларнинг оқшига сазовор бўлдилар. Tadbирда шунингдек, болалар шоирлари М.Аъзам, Т.Адашбоев, Д.Ражаб ва бошқалар болажонларга атаб ёзган шеърларидан ўқидилар.

Мароқли ўтган хайрия тadbiri иштирокчиларига ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: «Бор меҳримиз — болаларга» деб номланган тadbирдан лавҳа.



Ўқувчилардан О.Улуғбеков, Г.Яхшиев ва бошқаларнинг мустақил ўтказган тажрибалари устозлар томонидан юқори баҳоланди. Шунингдек, кимё фани асосида тузилган «Бошқотирма», «Кроссворд» ва бошқа ўйинлар орқали ўқувчиларга ўз билим даражаларини синаб кўриш имкониятлари яратиб берилди. Бунда лицейда фаолият кўрсатаётган «Ёш кимёгарлар» тўғрисида аъзолари яхши натижалар кўрсатиб, йиғилганларнинг эътиборини қозонишди. Кечада шунингдек, Яқсарой туман бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди.

Дилдора ЗУПАРОВА, академик лицей ўқитувчиси

Болажонларга ўқиб беринг

ЎЗИНГА ТЎҒРИ БЎЛ

Олмаҳоннинг ёнгоғи, Кўлидан тушиб кетди. Олақарга лип этиб, Илди-ю учиб кетди.

Жиги-бийрон олмахон, Қандай овози бор-а. «Қарга ёнгоқ ўғриси, Фирт текинхўр айёр-а.

Расво сўзлар билан у, Қаргага хўй отди тош. Бир нарсани афсусчи Уйламас қотириб бош.

Ўзинга тўғри бўл-у, Лекин айрилма нақддан. Балки у ҳам ўйлаган Тушгандир деб

даракдан.

ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Салим укам йиғласа, Жуда қийин овутмоқ. У-бу бериб қўлгига, Алдамасанг иш чатоқ.

Сурнай қилиб овозин, Оғзин ёпмас секунд ҳам. Ишонсангиз галати Одат чикарди укам.

Кўшни бола йиғисин, Эшитиб қолса биров. Йиғидан тўхтаб уни, Масхара қилар дарров.

Энди укам йиғласа, Топиб қўйдим йўлини. Кўшни болага қикиб, Дейман «Бошла йиғини».

Ҳабиб РАҲМАТ

ЁШ КИМЁГАРЛАР КЕЧАСИ

Тошкент Тўқимачилик ва ёнғил-саноат институти қошидаги биринчи академик лицейида кимёвий элементлар даврий қонунини яратган рус кимёгари, олим, педагог ва жамоат арбоби Менделеев томонидан Менделеев даврий тизими яратилганлигининг 140 йиллигига бағишлаб «Кимёгарлар кечаси» ўтказилди.

Унда лицей ўқувчилари, бўлажак олимлар, кимё ўқитувчилари, шунингдек, меҳмонлар иштирок этишди. Кечани лицей директори, техника фанлари номзоди Умида Йўлдошева ва кириш сўзи билан очиб, 1869 йилда Д.Менделеев барча мавжуд элементларни даврларга бўлиб, дунёда биринчи бўлиб даврий тизим яратганига, унинг

«Органик кимё» соҳасидаги улкан илмий изланишлари, шунинг баробарида дарслик яратганлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Унинг дарслик учун Петербург ФАнинг Демидов мукофотига сазовор бўлганлиги, 1876 йили Петербург ФА муҳбир аъзоси бўлиб сайланганлиги ва шу каби олимнинг ҳаёти ва кашфиётларига бағишланган

бошқа қизиқарли маълумотлар кеча катнашчилари томонидан эътибор билан тингланди. «Табиий фанлар кафедраси кимё фани ўқитувчилари А.Ерқулов, Д.Зупарова бошчилигида ўқувчилар «Кўринмас ёзув», «Рангли эртмалар», «Гургуртсиз олов ҳосил қилиш» каби қизиқарли кимёвий тажрибалар намойиш этишди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ

«ТОШАВТОБУСТРАНС»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

«Д» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни

Тошкент шаҳар жамоат транспортда «Мерседес-Бенц» ва «Исузу» русумли автобусларда

ишлашга таклиф этади.

Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи — 250-350 минг сўм.

Автокорхоналар манзили:

«Биринчи автокорхона» ОАЖ
«2-автобус саройи» ОАЖ
«3-автобус саройи» ОАЖ
«4-автобус саройи» ОАЖ
«5-сон автокорхона» ОАЖ

«7-автокорхона» ОАЖ
«8-автосарой» ОАЖ
«12-автобус саройи» ОАЖ
«18-автобус саройи» ОАЖ
2519-автокорхона
«Тошавтобустранс» АК

3. Шамсуддинова кўчаси, 3-уй
Паркент кўчаси, 263-уй
Янги Олмазор кўчаси (собик Мирпўлатов), 57-уй
Чоштепа кўчаси, 27-уй
Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Бардонкўл кишлоғи (Роҳат қули яқинида)
Бунёдкор шоҳкўчаси, 49-уй
Муродов кўчаси, 7-уй
Слутник даҳаси, 12-уй
Катта халқа йўли, 8-«А» уй
Авайхон кўчаси (собик Иркутск), 20-уй
Амир Темура I-тор кўчаси, 6-уй

телефон: 290-90-14
телефон: 296-32-60
телефон: 248-64-45
телефон: 215-87-24

телефон: 295-43-89
телефон: 279-95-34
телефон: 224-05-10
телефон: 258-37-47
телефон: 247-03-36
телефон: 265-98-40
телефон: 233-59-38

Ҳайдовчилик касби ҳам машаққатли, ҳам шарафли. Халққа хизмат — олий ҳиммат.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан куйидаги таълим муассасаларининг вакант (буш) бўлган директор ва директор ўринбосари лавозимларига

Танлов эълон қилади

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Директорликка	
1	Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи	Талабалар шаҳ. УЗМУ, физйўлак 4-қavat
2	Сергели саноат касб-ҳунар коллежи	Сергели 2 манза, 64-уй
1	Директор ўринбосарлигига	
1	Тошкент гидрометеорология касб-ҳунар коллежи	3.Кобулов, 45-уй
2	Тошкент иқтисодиёт ва бизнес касб-ҳунар коллежи	Қорни Наёний кўчаси, 39-уй
3	Мирзо Улўабек технология касб-ҳунар коллежи	Қорасув-1 А.Магқобулов кўчаси, 1-6-уй
4	Қўзлик мининг хизмат касб-ҳунар коллежи	Қўзлик 5-даҳаси, 50-уй
5	Тошкент юридик коллежи	Учтепа тумани, 12-манза, 67-а-уй
6	Миробод маънавий хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	А.С.Батқотий, 17-уй
7	Миробод юридик касб-ҳунар коллежи	Қуддус берк кўчаси, 12-уй
8	Тошкент Давлат техника университети 5-сон академик лицей	Қўқон йули кўчаси, 12-уй
9	Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи	Талабалар шаҳ. УЗМУ, физйўлак 4-қavat

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар тизимида педагог иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

- Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
- 1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза.
 - 2.Туман ҳокимлигининг тавсияномаси.
 - 3.Сўровнома (справка-объективка).
 - 4.Таржимаи ҳол.
 - 5.Олий маълумоти ҳақида дипломнинг нусхаси.
 - 6.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
 - 7.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
 - 8.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
 - 9.Паспорт (нусхаси.)
 - 10.Тавсифнома.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй: Тел: 252-23-31, 252-23-35.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Давр эли жабр этса, кўтарма исён,
Кўн бориға, йўқ туфайли бўлма сарсон,
Тинглаш керак эмасми — эшитма пинҳон,
Сўзлаш керак эмасми — гапирма бир он.

Лоф урмак ўз илмидан эрур нодонлик,
Нодонлигин англаган бўлур ирфонлик,
Мушкул қилиш ишингни не кордонлик,
Бир йўқ олиб келгуси минг осонлик.

Ёр қошида бўлма сира, эй дил, беадаб,
Бўлган каби бу шоҳ қошида кул беадаб,
Ёр васлига етган бўлмагай, бил, беадаб,
Оқил боадаб бўлга-ю, жоҳил беадаб.

Фақр ичра бошингда неки бўлса ташла,
Бер қўлдаги бахтни — юрма бу ташвиш-ла,
Ҳар яхши-ёмон келса шу икки иш-ла Парво сира қилма-ю, дилингни хушла!

Ёмон нимани истамасанг, хушхулқ бўл,
Касб этма риёни, тўғри бўлсин кўнги, Ҳар ёққа юрар эл, сен тут ўзга манзил,
Кўй элни, ягона махраминг бўлсин ул.

Фоний бу жаҳонда гамига то пайвандсан,
Ўзинга ўзинг бақо йўлида бандсан, Нафсинг ҳавасига кўмилиб хурсандсан,
Бўлсанг-да замонни шоҳи — ҳожатмандсан.

БАДРИДДИН ҲИЛОЛИЙ

Бу беафо оламда биров хуррам эмас,
Ҳеч кимга қувончу шодлик ҳамдам эмас,
Кимнинг бу замонда кўнгли тўла ғам эмас,
Оламдан эмас ёки у, ё одам эмас.

Афсуски, асири нангу номмиз то ҳануз,
Шухратга кул, обрўга ғулуммиз то ҳануз,
Умр бўлди тамому нотаоммиз то ҳануз,
Юз марта куйиб ёндигу хоммиз то ҳануз.

Токай бу жаҳонда дил ҳазин бўлғайдир,
Ғам-қайғу билан дўсту яқин бўлғайдир.
Ғам чекма, жаҳон асли азал шундай эди,
Энди тоабод шу хил у, чин, бўлғайдир.

АБДУРАҲМОН МУШФИҚИЙ

Биз гофилу умримиз бугун ўтгусидир,
Ҳар бир кунимиз бир гул учун ўтгусидир.
Умр ҳафтасидан биргина кун ўтса агар,
Қолган кунлар-да шундайин ўтгусидир.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Куч — билим ва тафаккурда


БЕКТЕМИР ТУМАНИ
 (Юқори Чирчиқ кўчаси, 9.
Тел. 295-29-05)

1. Тасвирий санъат
2. Зардўзлик
3. Миллий кашта
4. Вокал
5. "Юлдузча" замонавий рақс
6. Эстрада хонандалиги
7. Фотомухбирлар
8. Қизлар клуби
9. Моҳир кўллар
10. Бичиш-тиқиш
11. Доирачилар дастаси
12. Кулдочилик
13. "Наврўзой" миллий рақс дастаси
14. Пазандачилик
15. Чет тили
16. Бисер тўқиш
17. Тазквандо

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ
 (Буёқ Ипак йўли кўчаси, 235-а.
Тел. 266-84-86, 266-81-55)

1. Бошланғич техник моделлаштириш
2. Моҳир кўллар
3. Ёш хунарманд
4. Тиқиш-бичиш
5. Зардўзлик
6. Юмшоқ ўйинчоқ
7. Шарқ миниатюраси
8. Бадний мунчоқ тиқиш
9. Тасвирий санъат
10. Пополчилик
11. Бадний тўқиш
12. Гилламчилик
13. Вокал
14. Хор
15. Хореография
16. Доира
17. Ёш мақомчилар
18. Фольклор
19. Халқ рақслари
20. Инглиз тили
21. Велоспорт
22. Компьютер саводхонлиги
23. Рус тили
24. Авиасозлик
25. Ёш футболчилар
26. Ёш кинологлар
27. Олтин мерос
28. Ёш автомобиль соловчилар
29. Шахмат-шашка
30. Дуторчилар
31. Драма (актёрлик маҳорати)
32. Ёш суҳандонлар
33. Ёш режиссёрлар
34. Кинотехника (телеоператор)
35. Телемеханика (монтажчи-видеомухандис)
36. Ёш дизайнер
37. Фото
38. Компьютер техникаси
39. Электроника
40. Овоз ёзиш студияси (овоз режиссёри)
41. Ёғоч ўймакорлиги
42. Қуроқчилик
43. Пазандачилик
44. Ашула ва рақс дастаси
45. Вокал чолу дастаси
46. Ритмик мусиқа- рақс дастаси
47. Ёш автомобилчилар
48. Йўлчиноқ
49. Тарихий ўлкашунослик

МИРОБОД ТУМАНИ
 (Помир кўчаси, 34. Тел. 293-53-78)

1. Тасвирий санъат
2. Зардўзлик
3. Миллий кашта
4. Вокал
5. "Юлдузча" замонавий рақс
6. Эстрада хонандалиги
7. Фотомухбирлар
8. Қизлар клуби
9. Моҳир кўллар
10. Бичиш-тиқиш
11. Доирачилар дастаси
12. Кулдочилик
13. "Наврўзой" миллий рақс дастаси
14. Пазандачилик
15. Чет тили
16. Бисер тўқиш
17. Тазквандо

ҲАР БИР ФАРЗАНДГА МЕҲР-ЭЪТИБОР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАР
ИЖОДИЁТ МАРКАЗЛАРИ ТўГАРАК ВА СТУДИЯЛАР
Р Ў Й Х А Т И

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ
 (Йўлдош 9-даҳаси, 62.
Тел. 258-56-17)

1. Кийим дизайни
2. Зардўзлик
3. Мунчоқ безаги
4. Тасвирий санъат
5. Замонавий рақс
6. Ўзбек миллий рақс
7. Вокал
8. Шахмат ва шашка
9. Моҳир кўллар
10. Бадний тўқиш
11. Эстрада студияси
12. Инглиз тили
13. Рус тили
14. Ўзбек тили
15. Кичкинтойлар клуби

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ
 (464-мактабгача таълим муассасаси.
Тел. 227-84-02, 980-54-07, 733-36-73)

1. Тасвирий санъат
2. Бисер тўқиш
3. Наққошлик
4. Бадний тўқиш
5. Рақс
6. Доира
7. Карнай-сурнай
8. Пазандачилик
9. Фортепиано
10. Бадний кашта
11. Миллий кашта
12. Зардўзлик
13. Юмшоқ ўйинчоқ
14. Компьютер саводхонлиги
15. Замонавий либос
16. Миллий либос
17. Дизайн
18. Замонавий парда
19. Сартарошлик (қизлар учун)
20. Ҳамширалик
21. Инглиз тили
22. Рус тили
23. Шарқ миниатюраси
24. Драма
25. Қуроқ
26. Моҳир кўллар
27. Безаш санъати
28. Хуқуқшунос

УЧТЕПА ТУМАНИ
 (Чилонзор 12-мавзе, 189-мактаб.
Тел. 377-40-06)

1. Тасвирий санъат
2. Бисер тўқиш
3. Тиқиш-бичиш
4. Бадний кашта
5. Зардўзлик
6. Гилламдўзлик
7. Ёғоч ўймакорлиги
8. Заргарлик
9. Доира
10. Миллий рақс
11. Замонавий рақс
12. Шахмат-шашка
13. Стол тенниси
14. Бадний тўқиш
15. Қуроқ
16. Юмшоқ ўйинчоқ
17. Инглиз тили
18. Фотохаваскор

УЧТЕПА ТУМАНИ

 (Ёшлар маркази, Истироҳат кўчаси,
14, аввалги 177-мактаб. Тел. 247-74-63)

1. Бисер тўқиш
2. Бадний кашта
3. Бадний тўқиш
4. Қуроқчилик
5. Тасвирий санъат
6. Юмшоқ ўйинчоқ
7. Тери билан ишлаш
8. Ёғоч ўймакорлиги
9. Дутор
10. Доира
11. Фортепиано
12. Рақс
13. Қушиқчилик
14. Ёш суҳандон
15. Инглиз тили
16. Ҳамширалик
17. Пазандачилик
18. Кикбоксинг
19. Тиқиш-бичиш
20. Парлачилик

ҲАМЗА ТУМАНИ

 (Авиасозлар кўчаси, 7-а.
Тел. 296-02-71)

1. Миллий рақс
2. Замонавий рақс
3. Миллий кашта
4. Доирачилар
5. Зардўзлик
6. Қуроқчилик
7. Тасвирий санъат
8. Диско клуб
9. "Зукко" ўқувчилар клуби
10. Олтин мерос
11. Қўли гул қизлар
12. Қизқувчан қизлар
13. Моҳир кўллар
14. Бадний тўқиш
15. Вокал
16. Спорт рақслари
17. Ёғоч ўймакорлиги
18. Ҳайкалтарошлик
19. Ёш иқтисодчи
20. Бичиш-тиқиш
21. Сардорлар ўқуви
22. Юмшоқ ўйинчоқ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

 (Зарқайнар кўчаси, 17.
Тел. 244-54-07)

1. Бадний мунчоқ тиқиш
2. Бадний тўқиш
3. Тиқиш-бичиш
4. Гилламчилик
5. Дуралгорлик
6. Ёш дизайнер
7. Ёш расом
8. Замонавий либослар ва этнография
9. Зардўзлик
10. Илмоқли тўқиш
11. Либослар дизайни
12. Мунчоқли безак
13. Наққошлик
14. Тасвирий санъат
15. Шарқ миниатюраси
16. Инглиз тили
17. Рус тили
18. Ашула ва рақс дастаси
19. Болалар эстрада дастаси
20. Ёш мақомчилар
21. Компьютер саводхонлиги
22. Радиотехника
23. Шахмат-шашка

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ
 (2-мавзе, 48.
Тел. 277-13-39)

1. "Аладдин" болалар эстрада студияси
2. Доирачилар дастаси
3. Актёрлик маҳорати
4. Замонавий рақс
5. Бал рақслари
6. Ёғоч ўймакорлиги
7. "Мастерица"
8. Флористика
9. Дизайнер-декоратор
10. Бадний тўқиш
11. Қуроқ
12. Бадний кашта
13. Бисер
14. Тасвирий санъат студиялари
15. Авиамоделлаштириш

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

 (Буёқ Турон кўчаси, 20.
Тел. 233-20-55)

1. Тасвирий санъат
2. Миллий ва замонавий рақслар
3. Авиамодел спорт
4. Кино ва фото санъати
5. Журналистика
6. Шахмат
7. Хорижий тиллар
8. Амалий санъат
9. Компьютер – дизайн
10. Қўғирчоқ театри
11. Ашула ва рақс
12. Бисер тўқиш
13. Пазандачилик
14. Либос дизайни
15. Ёғоч ўймакорлиги
16. Суҳандонлик

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

 (Ўрикзор-2 тор кўчаси, 45.
Тел. 255-54-38)

1. Наққошлик
2. Расм
3. Макраме
4. Бичиш-тиқиш
5. Пазандачилик
6. Тўқиш
7. Авиасозлик
8. Хор
9. Инглиз тили
10. Вокал
11. Рақс (бал, эстрада, миллий)
12. Бисер тўқиш
13. Компьютер сабоқлари

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВЧИЛАР
ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ**

 (Мустақиллик шоҳкўчаси, 69. Тел.
237-10-73, 237-34-22, 237-22-25)

1. Тасвирий санъат
2. Ҳайкалтарошлик
3. Кулдочилик
4. Наққошлик
5. Миллий кашта
6. Бадний кашта
7. Сехри кўллар
8. Ёш моҳир кўллар
9. Замонавий парда
10. Ёғоч ўймакорлиги
11. Дуторчилар дастаси
12. Доирачилар дастаси
13. Рақс (замонавий, миллий)
14. Вокал
15. Театр студияси
16. Карнай-сурнай
17. Компьютер сабоқлари
18. Инглиз тили
19. Авиасозлик
20. Рус тили
21. Ўзбек тили
22. Экология клуби
23. Дизайн студияси
24. Журналистика
25. Ёш назоратчилар


 МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

 Бош муҳаррир
Акmal АКРОМОВ

 Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

 Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

 Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

 Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3676 нусхада босилади.
Қўғоқ бичими А-2

 Нашрни етказиб бериш масалалари буйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

 Газета «Тошкент оқшомининг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийт-матбوع акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
156